

Болажон таҳорати



13:02 / 25.12.2018 3438

ЎРМАТЛИ ОТА-ОНАЛАР!

Жондан азиз фарзандларимизни энг чиройли одобу ахлоқ билан тарбиялаш барча ота-оналарнинг ҳаётларидаги муҳим вазифаси эканига шубҳа йўқ. Айнан мана шу масъулиятли вазифани адо этилишида муқаддас ислом динимизнинг ўрни беқиёс. Хусусан, динимизда асрлар оша авлодлар тарбиясида муҳим ҳисобланган одоб-ахлоқнинг энг мукамал қонун-қоидалари мужассамдир. Бу нодир инсоний фазилатларни ўрганиш, уларга амал қилиш ва фарзандларимизга ўргатиш икки дунё саодатини таъминлайди.

Динимизда одамлар учун фойдаси бўлган ҳар бир хайрли ишга алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, инсонинг нафақат жисмоний балки ботиний саломатлиги учун ҳам қайғуради. Айниқса поклик масаласига олий даражада аҳамият беради.

Имом Муслимдан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Поклик иймоннинг ярмидир», деганлар. Ана ўша иймоннинг ярми дея мадҳ этилган поклик ичида таҳорат улкан поклик ва улуғ ибодатдир. Демак, таҳоратни динимиз кўрсатмаларига асосан ўрганиш ва ўргатиш жуда ҳам муҳимдир.

Islom.uz портали ижодий жамоаси томонидан порталимизнинг доимий мухлислари бўлмиш ҳурматли ота-оналардан келиб турган таклифу

илтимосларини инobatга олиб, фарзандларимизга таҳорат олиш қоидаларини қулай ўргатиш мақсадида “Болажон таҳорати” видео-ролиги тайёрланди.

Сиз ана шу видеодарс воситасида кўзингиз қароғи, умид юлдузларингизга динимизнинг асосий ибодатларидан бўлган таҳоратни осон ва қулай ўргата оласиз деган умиддамиз, иншааллоҳ.

Бу камтарона хизматнинг манфаатли ва бардавом бўлишида сизларнинг дуоларингиздан умидвор эканимизни ҳам изҳор этиб қоламиз.

islom.uz портали таҳририяти